



Хусан кори дада 1937 йили Кашкарда таваллуд топганлар. Отасининг исми Юнусбой бўлиб, меҳмонсиз овкатланмаган. Ахли илм ва ахли Куръонларга жуда кўп хизмат қилган. Ўз шахрининг бойлари билан алоқаси яхши бўлганлиги учун у киши ўз шахри Андижондан Кашкарга ўтиб кетишга мажбур бўлади. У ерга бориб оила қуради ва иккита эгизак фарзанд кўради. Исmlарини Фотима ва Хусан деб кўяди. Ўглининг ёши еттига етганида хофизии Куръон бўлсин деб, Кашкарда жойлашган Хайитгоҳ масжидидаги корихонага олиб боради. Биринчи устози Мухаммадали домла бўлиб, Харамга бориб, ўша ерда қолиб кетган ва Тоифда вафот этган. У киши шогирдларини ўзининг ишонган шогирди Мухаммадамин домлага топшириб кетганлар. Шундай қилиб, Хусан кори дада ўн уч ёшида Мухаммадамин домланинг хузурида Куръонни ёд олди. У кишининг устози Мухаммадамин домла «Бу хақикий ўгил бола, Куръонни ўгил болага ўхшаб ўқийди», деб эрқалатарди.

Шу корихонада йигирма ёшгача устози билан бирга талабаларга дарс берди. Отаси, ниҳоят, 1960 йилда оиласи билан ўз юрти Андижонга қайтади. У ерда озгина яшаганларидан сўнг баъзи сабабларга кўра Кўкон шахрига кўчиб ўтади ва ўша ердан кўним топади. 1974 йили отаси юз ёшида вафот этади.

Хусан кори дада 1966 йили Кўконда уйланади. Кейинчалик бир киз фарзанд кўради. Ўз ота шахрини кўмсаган Хусан кори дада Андижонга қайтиб келади. Бу ерда ҳам оила қуриб, учта ўгил ва учта киз кўради. Касби қосибчилик бўлиб, махси тикиш билан шугулланади. Кейинчалик 1988 йили Андижон шахридаги Девонабой масжиди имом-хатиби Хабибуллоҳ хожи дада у кишини ўзига ноиб имом қилиб олади. Шундан кейин рамазонда хатмга ўтиб, у ерда ноиб имомлик қила бошлайди.

Ўтган йиллар давомида корихонада Хусан кори дада минглаб талабаларни ўқитиб, улардан беш юзга яқин талабаларни хофизи Куръон килиб чикарди. Хаёти давомида жуда кўплаб мураттаб корилар чикарган. Шогирдлари нафакат Ўзбекистондан, балки бутун Собик Иттифокдан келиб тахсил олишган. Шу талабаларидан бири Мукаррам кори Тожикистонда муфтийлик даражасига кўтарилган.

Умрининг олтмиш йилини Куръонга ва Ислом динига сарфлади. Хатто вафотидан ўн кун олдин ҳам шогирдлари келиб, дарс олиб кетишган. Умри давомида сон-саноксиз шогирдлар чикарди. Хозирда бу шогирдлари динимизга, халкимизга, ватанимизга хизмат килмоқдалар. Умрининг охирида пешоб йўлида ўсимта пайдо бўлганлиги сабабли жаррохлик столига ётқизилди. Операциядан уч кун ўтиб, 2010 йили бу фоний дунёдан бокий дунёга рихлат килди. Бу килган хизматлари эвазига Аллох таоло бу зотга гўзал холатда, тилларида шаходат калимасини айтган холатда вафот этишни насиб килди.

Хусан кори даданинг талабаларни кабул килишлари

Авваламбор, Хусан кори даданинг хузурига Куръон ёдламокчи бўлиб келган талабага шогирдлар амал килиши лозим бўлган ўнта шарт кўрсатилган. Бу эса куйидаги кўринишда бўлган:

Ўкимокчи бўлган талабанинг зиммасида ўнта шарт бор, улар куйидагилар:

1. Яхши одоб, яхши феъл ва хуш хулк сохиби бўлиш.
2. Пархезкор бўлиш.
3. Хар бир ўринда покиза табиатли бўлиш.;
4. Беш вақт намозни ўз вақтида, жамоат билан адо килиш.

5. Сабокдошлари билан урушмаслик, талашмаслик ва жанжаллашмаслик.
6. Ота-она ва устозини ранжитмаслик.
7. Вактини бекор ва бехуда ўтказмаслик.
8. Дам олиш уйкусини кўпайтирмаслик, чунки у зехни пасайтиради, мухофазатни камайтиради.
9. Устози ва ота-онасидан берухсат иш тутмаслик.
10. Белгиланган дарс кунларида дарсдан колмаслик.

Куръон ёдламокчи бўлиб келган хар қандай талаба ва унинг ота-онасига ушбу шартлар кўрсатилган. Агар талаба ўқишни биладиган ёшда бўлса, шартларни талабанинг ўзига ўқиттирилган ва хар бир шартдан тушунган нарсасини айтиб бериши сўралган. Тушунмаган шартларини эса устоз ёки ота-оналардан бири изохлаб берган. Мабодо, талабанинг ёши кичик бўлиб, ўқишни билмайдиган бўлса, шартлар унинг отасига ўқиттирилган. Кейин талаба ёки ота-она ушбу шартларга рози ёки рози эмаслиги сўралган. Ўз розилигини билдирган талаба эса ўқишга қабул қилинган. Бирок талаба ёки унинг ота-онаси ушбу шартларга рози эканлигини тасдиқловчи бирон бир ҳужжатга имзо чекмаган.

Устоз томонидан талабаларнинг кунлик дарсини текшириб туриш учун хар бир талабага алоҳида, ўзига хос журнал жорий этилган. Бу журналда талабанинг кунлик топширган дарси қайд қилиб борилган. Хафта якунида эса хафталик ўзлаштирилган дарс ва одобиға қараб баҳо ҳам қўйилган. Журнал эса қуйидаги қўринишда бўлган:

Хафта кунлари

Сана

Дарс давомати

Сана

Дарс давомати

Шанба

Дарс топширди

Бакара, 3 - бет

Дарс топширди

Бакара, 9 - бет

Якшанба

Дарс топширди

Бакара, 4 - бет

Дарс топширди

Бакара, 10 – бет

Душанба

Дарс топширди

Бакара, 5 - бет

Дарс топширди

Бакара, 11 – бет

Сешанба

Дарс топширди

Бакара, 6 - бет

Дарс топширди

Бакара, 12 – бет

Чоршанба

Дарс топширди

Бакара, 7 - бет

Дарс топширди

Бакара, 13 – бет

Пайшанба

Дарс топширди

Бакара, 8 - бет

Дарс топширди

Бакара, 14 – бет

Бахо

Одоб : 5

Ўқиш :□□□□ 5

Ёзув□□□□ :□□□□ 4

Одоб□ :□□□□□□ 5

Ўқиш :□□□□□□ 5

Ёзув□□□□ :□□□□□□ 4

Бахолаш тизими ҳам ўзига хос бўлиб, талаба аъло бахо олиш учун хафта давомида бирор марта ҳам дарс колдирмаслиги керак бўлган. Шу билан бирга, хар кунлик сабоги ҳам бир бет (ўн беш катор)дан кам бўлмаслиги белгилаб кўйилган. Яъни талаба хафта давомида хар куни дарс топширса-ю, биров сабоги бир бет (ўн беш катор)дан кам бўлса, хеч қачон аъло бахо ололмаган. Балки хар куни дарс топширса-да, сабоги бир бетдан кам бўлганлиги учун, паст бахо (уч) кўйилган.

Аъло бахо олиш учун эса хар куни камида бир бетдан дарс топшириши ва бу жараёни тўрт хафта давом эттириши керак бўлган. Шу тўрт хафта давомида бирор марта ҳам дарс колдирмаса, яхши бахо (яъни тўрт), бешинчи хафтага ўтиб эса ўқишдан аъло бахо (беш) кўйилган. Мабодо хафта давомида бирор марта дарс колдирса ёки сабоги бир бетдан кам бўлиб қолса, ўқишдан кўйиладиган бахо ўз-ўзидан пасайган.

Устоз талабаларнинг одоб-ахлокига ҳам катта эътибор берган. Ва уларнинг хафта давомида ўзларини тутишлари, юриш-туришлари ҳамда муомала маданиятига қараб бахо ҳам кўйиб қўрилган. Бу бахо талабанинг шахсий журналида ўз аксини топган. Шунингдек, журналда ёзувдан ҳам бахо кўйилган. Талабалар Куръон ёдлаш билан бирга

араб алифбосини хуснихат билан ёзишни ҳам машк килганлар. Ёзув машки учун ўкув кўлланма сифатида асосан, «Муаллими соний»

□

китобидан фойдаланилган.

Ўқишга янги қабул килинган талаба, авваламбор, араб алифбосини бирма-бир ёзиб чиққан. Масалан, дафтарнинг биринчи бетига « □

»

(алиф)ни , иккинчи бетига «

□

»

(бе), учинчи бетига

«

□

»

(те) ва

хоказо. Шу билан бирга хусни хатга ҳам алохида эътибор берилган. Агар талаба харфларни чиройли, хуснихат билан ёза олмаса, хати чиройли бўлгунича харфларни кайта-кайта ёзаверган. Харфларни чиройли ёзишни ўзлаштиргандан кейин

«

Муаллими соний

»

китобининг

«

мукоттаот

»

харфларигача бўлган қоидаларни ёзишга киришган. Бу эса талабанинг Куръони Карим қоидаларини ўзлаштириш билан бирга ёзув илмини ҳам ўрганиш имконини берган.

Муҳиддин НУМАНЖАНОВ

